ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

САЛИЕВ БАҲОДИР КАМИЛОВИЧ

ШАҲАРЛАРНИНГ ЗАХЛАНГАН ҲУДУДЛАРИ МЕЛИОРАЦИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎТ: 626.86.556.38 (-21) +(-22) (043.3)

Техника фанлари докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctoral (DSc) on technical science

Салиев Баҳодир Камилович
Шаҳарларнинг захланган ҳудудлари мелиорациясининг илмий-амалий асослари 3

Салиев Баходир Камилович
Научно - практические основы мелиорации подтопленных городских территорий ……..... 31

Saliev Bakhodir Kamilovich
Scientific and practical basis for lanreclamation of waterlogged urban areas.....57

Эълон килинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 61

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

САЛИЕВ БАҲОДИР КАМИЛОВИЧ

ШАҲАРЛАРНИНГ ЗАХЛАНГАН ҲУДУДЛАРИ МЕЛИОРАЦИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B 2019.4. (DSc)/T67 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида (www.tiiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-илмий портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи: **Серикбаев Бакир Серикбаевич,** техника фанлари доктори, профессор,

Расмий оппонентлар: **Рахимов Шавкат Хударгенович,** техника фанлари доктори, профессор

Норқулов Усмон, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Ботиржон Дадажанович, геология - минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «6» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39, тел.:(99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79. e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (128 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39, Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2020 йил «20» февраль куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги №____рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т. ф. д.

А. А. Янгиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т. ф. д., профессор

М. Х. Хамидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к / х. ф. д., профессор.

КИРИШ (докторлик диссертацияси (Dsc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда атроф-муҳит муҳофазаси, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мелиорациянинг муҳим илмий-амалий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, суғориладиган минтақаларда жойлашган шаҳар ва аҳоли пунктларининг захланишини олдини олиш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан АҚШ, Россия, Германия, Недерландия, Хитой, Италия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда инфильтрация жараёнларининг фаоллашиши билан боғлиқ суғориладиган ерларда тупроқ деградацияси, грунт сувлари табиий режимининг ўзгариши, шўрланиш, сланцеланиши, тупроқдаги физик хусусиятларнинг ёмонлашишини олдини олиш ва мелиоратив тизимларини ишончли эксплуатациясини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмокда.

Жаҳонда мелиорацияга оид муаммоларнинг илмий-амалий масалаларини ечиш, такомиллаштирилган муҳандислик ҳимоялаш тизимларини лойиҳалаш сифатини ошириш, мелиоратив тадбирларнинг ишончли ва самарали технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Ушбу ўринда шаҳарларни зах босишдан ҳимоялаш мақсадида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар, шунингдек, муҳандислик ҳимоялаш тизимларининг самарали усулларини ҳисобга олган ҳолда сизот сувларнинг салбий таъсирини камайтиришнинг янги усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири эканлигини қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда, республикамизнинг суғориладиган майдонларида сизот сувлари оқимларининг ҳосил бўлиш омилларини аниқлаш ва уларнинг сатҳини пасайтариш ҳамда мелиоратив тизимларини такомиллаштириш имкониятларини берувчи янги дренаж қурилмаларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Мелиорация ва дренажлаштириш муаммоларини ҳал қилиш, зах босиш жараёнларининг сабабларини ўрганиш, шаҳарлар мелиоратив ҳолатини баҳолаш каби изланишлар шулар жумласидандир. Ушбу ўринда сизот сувларининг «ирригацион» оқимларини аниқлаш, бундай оқимларни суғориладиган майдонлардан, сув омборлари ҳамда каналлардан шимилган сувларни тўсиб, уларни тўплаган ҳолда қайта фойдаланишга жиддий эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш зарур. Маълумки, зах босиш инсон фаолияти давомида, асосан сув хўжалиги объектларининг табиий шароитга салбий таъсир этиши натижасида содир бўлган. Натижада республика ҳудудларининг 132 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли пунктлари, тарихий-маданий объектларнинг 7322 тадан 2050 таси яъни 28 фоизи зах босишнинг негатив таъсирига учраган. Шу боис Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида, “...республика миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш” вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, сув ресурсларининг танқислиги

даврида, сизот сувлари захираларини ҳисобга олган холда захланган шаҳар ҳудудларининг мелиоратив шароитини яхшилаш усулларини ишлаб чиқиш, янги дренаж тизимларини лойиҳалаш ва уларнинг конструкцияларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мухим ахамият касб этади.

ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»[1]ги Фармони, 2017 йил 4 майдаги «2017–2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2954-сонли ва 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисидаги” ПҚ-3405-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: VII - «Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш, экологик хавфсизлик, республика тараққиётини таъминловчи муаммоларни ҳал этиш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халкаро илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Ҳозирги вақтда турли хил геоинформацион шароитлар учун янги техноген режим ва баланс пайдо бўлишининг масалалари, грунт ва сув ўтказувчи қатлами параметрлари, сув ва зах босишнинг башоратини ҳисоблашнинг илмий асосланган усулларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан: United States Geology Servey –USGS, ESRI inc. (АҚШ), German Research Centre for Geosciences (Германия), Advenced Industrial Science and Technology (Япония), Indian Institute of Remote Sensing (Хиндистон), Academy of Geological Sciences (Хитой), General Directorate of Minerals Research and Exploration Institute of Turkey (Туркия), Умумроссия гидрогеология ва инженерлик геология илмий-тадқиқот институти (Россия), Қурилиш ишлаб чиқаришида муҳандислик қидирув илмий-тадқиқот институти (Россия), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ),

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: https://civilengineering.lowandbonar.com/applications-end-use/soil-consolidation-and-land-reclamation; http://www.jeeng.net/The-Influence-of-Drainage-Devices-and-Post-Bog-Soil-Chan ges-on-Water-Retention-in,110788,0,2.html; https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.108 0/00 221689609498446; https://www.sciencedirect.com/topics/engineering/stormwater-management; https://www.ncbi.nlm.nih .gov/pmc/ articles/PMC3262001/ ва бошка манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ) (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Турли шароитда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг комплекс тадбирларини қўллаш усулларига доир жаҳон миқёсида олиб борилган. тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан: грунтнинг сув ва ҳаво таркибини тегишли меъёрларга келтиришнинг гидротехник ва химиявий мелиорацияси ҳамда скелет таркибини физикавий мелиорациясининг назарий усуллари ишлаб чиқилган (Муҳандислик ва қурувчилар институти, АКШ). Таъкидлаш жоизки, мелиорация усуллари бутун инсоният тарихи давомида ишлатилган. Масалан, Бангладеш ва Голландия ерлари катта қисми зах ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, мазкур ҳудудда ерларни қуритиш усуллари ишлаб чиқилган (Гидравлика ва атроф-муҳит муҳандислари халқоро институти, Нидерландия). Шунингдек, шаҳарсозлик дренаж қурилмаларини яратиш (Берлин техника университети, Германия), сув хўжалиги қурилиш объектларини атроф-муҳитга ва мелиоратив-гидрогеологик шароитга салбий таъсирини кўрсатганлиги мезонларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб (Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон), бу борада ҳам маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Ҳозирги вақтда шаҳар ҳудудларининг табиий, сув-хўжалик ва гидрогеологик шароитларини ўрганиш, мелиоратив ҳолатни баҳолаш усулларини яратиш бўйича қуйидаги устувор йуналишларда тадқиқотлар_олиб борилмокда: сув хўжалик тадбирларини зах босиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнига таъсири;ер ости сувлари табиий режимининг ўзгариши, умумий мелиоратив ҳолатни ўзгартирувчи омилларни сув ва туз баланси орқали баҳолаш; шаҳар инфраструктурасини эътиборга олган ҳолда захлаган ер майдонларини уларнинг харитасини тузиш бўйича аниқлаш, зах босишни башорат қилишнинг математик масалаларини ечиш усулларини ишлаб чиқиш, дренажларни ишлаш самарадорлигини баҳолаш; зах босишдан огоҳлантириш чора-тадбирларини ва муҳандислик ҳимоялашнинг замонавий ва мукаммал иншоотларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда муаллифлар томонидан (И.П. Айдаров, В.А. Барон, Ф.Э. Рубинова, К.М. Арипов, Н.Н. Ходжибоев, А.В.Лебедев, С.Ш.Мирзаев, Ф.М.Рахимбаев, Н.И.Парфенова, Н.М.Умаров, Б.Д.Абдуллаев, Э.В.Мавлянов, А.С.Хасанов, Л.З.Шерфединов, Я.У.Исамухаммедов ва бошқалар) ер ости сувлари табиий режимининг ўзгариши, умумий мелиоратив ҳолатини ўзгартирувчи омил воситаси нуқтаи назаридан ўрганилган ва бу борада маълум ижобий натижаларга эришилган. Сув баланси бўйича дастлабки мелиоратив тадқиқотлар Н.А. Кенесарин, М.М. Крилов, А.А.Азизов, Р.А.Алимов, Х.А.Ахмедов, М.А.Шмидт, В.В. Пославский, Д.М.Кац, А.А. Рачинский, Б.С.Серикбаев, Н.М. Решеткина, О.Р. Рамазонов, А.Т. Салохитдинов, М.Х. Хамидов, Р.К. Икрамов, Е.К. Қурбанбаев, Э.Ж. Махмудов, Х.И.Яқубов, М.О.Яқубов ва бошқаларнинг илмий ишларида сизот сувларининг кўтарилиш сабаблари, шунингдек, уларнинг иккиламчи шўрланиш ва зах босиш жараёнига таъсирининг шаклланишига катта эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, захланиш ва шўрланишнинг олдини олиш бўйича минтақавий тадкикотлар 46 та шаҳар ва туман маркази ҳудудларида «Гидрогеология и инженерлик геология» Давлат корхонаси ГИДРОИНГЕО институти, Ўзбекистон Миллий Университети, 20 тадан ортиқ шаҳар ва аҳоли масканларида ТИҚХММИ ва ИСМИТИ илмий лабораторияларида изланишлар олиб борилган.

Тадқиқотлар натижасида зах босишнинг назарий масалалари ўз ечимини топди, сизот сувларининг кўтарилиш меъёрларини баҳолашнинг башоратини моделлаштириш усуллари ишлаб чикилди, шу билан бирга шаҳар ҳудудларидаги мавжуд дренаж тизимларининг самарадорлиги аниқланди. Ушбу йўналишда шаҳар инфраструктурасини эътиборга олган ҳолда зах босган жойларни харита бўйича аниқлаш ишлари катта маблағ ва вақт талаб қилади. Шу сабабли УзГАШКЛИТИ Давлат унитар корхонаси мутахассислари Ю.Д.Магрупов, Б.Р. Жураев, Г.И. Хаджибаева, А.Б. Примов, Ш.Н. Юсупов, А.Т. Абдреймов (Ўзбекистон) Eijkelkamp Soil&Water (Нидерландия) Н. Ибросимович-Ивелин, Н. Петерс, Джос фон Асмус, Леон фон Хамерсвельд, Альфред Гетенбеек, Р.Рудолфе, Ервин Вонклар (Швеция) томонидан план кўринишида моделлаштириш асосида Урганч шаҳри учун сув балансининг автоматик ҳисоблаш программаси (ИАС МПВ-1733) on-Line режими бўйича ишлаб чиқилди ва бу борада улкан натижалар қўлга киритилди. Мавжуд ишланмаларга кўра, зах босишнинг асосий сабабларидан бири СССнинг суғориладиган майдонларда кенг миқёсда сув хўжалиги қурилиш объектларининг атроф-муҳитга, мелиоратив - гидрогеологик ва муҳандислик - геологик шароитига етарли даражада ўзининг салбий таъсирини кўрсатганлиги билан ифодаланади (ССС нинг кўтарилиши, ер ости сувлари туз таркибининг ўзгариши).

Ҳозирги вақтда республикамиз шаҳар ҳудудларининг захланиш сабабларидан бири адир ва шағал билан қопланган ерларда катта миқдордаги суғоришни талаб этадиган ғўза, беда, маккажўхори каби экинларни ўстириш ва уларга вегетация даврида юқори миқдорда сув бериш натижасида суғориш жараёнида сувнинг асосий қисми чуқур фильтрацияга сарф бўлиб, кейинчалик қуйи зоналарда жойлашган шаҳарда қурилган бинолар, умуман, аҳоли яшайдиган ҳудудлардан оқиб чиқиши кузатилган. САНИИРИ ИИЧБ (ҳозирги ИСМИТИ) тадқиқотчилари Т.У.Бекмуратов, А.У.Усманов, В.А.Умаров, А.Ганиевлар кўп йиллик дала изланишларига асосланган ҳолда мелиоратив жараённинг йўналишини Фарғона, Андижон ва Наманган вилояти ерларининг табиий дренажланиш ҳолатини ўрганганлар. Адир ва шағалли ерларни ўзлаштириш ва уларни суғориш ишларининг қуйи зоналардаги ерлар унумдорлигига салбий таъсири аниқланган. Катта ҳажмдаги суғориш жараёнида сувнинг чуқур фильтрацияси ва носоз суғориш техникасидан фойдаланиш пастки қисмдаги ҳудудларнинг тубдан сув босишига ёки захланишига олиб келиши шубҳасиздир. Бунга кўра, ҳозирги босқичда, ушбу масалаларнинг тадқиқоти иқтисодий самарага эришишнинг устувор йўналишлари – аҳоли яшаш масканларини сизот сувларидан ҳимоялаш

мақсадида қўлланиладиган дренаж тизимларидан самарали фойдаланиш, улар ёрдамида пайдо бўлган техноген сувларни тўплаш, СССни пасайтириш ва ер ости сувларидан фойдаланиш имкониятларининг тўлароқ ҳисобга олинишига асосланади. Мазкур диссертация иши шахар мелиорацияси муаммолари масалаларини ечилишига каратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 12/2012-сонли Шўрсув селсув омборининг (Полмон 2013, Қўқон 2014 гидроузеллари) хавфсизлик декларацияси (2012-2014), 9/2016-сонли "Фарғона вилояти Фарғона тумани ҳудудида Қирғизистон Республикасининг юқори ҳудудларидан келаётган ер ости босимли сувлари балансини аниқлаш, ҳамда уларнинг таъсирини камайтириш ва ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш” (2015–2016), 11/2016-сонли Фарғона вилоятининг Сариққўрғон бош иншоати ҳудудида ер ости сувлари ҳаракатини ўрганиш бўйича илмий асосланган ҳужжатни ишлаб чиқиш (2016), ҚХА-7-073-2015-сонли «Шаҳар ҳудудларининг мелиоратив ҳолатини ўрганиш услубларини такомиллаштириш ва уларни яхшилаш йўлларини илмий асослаш» (2015–2017), 9/2019-сонли «Бешариқ» насос станциясининг хавфсизлик декларацияси (2019) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги захланган ҳудудларнинг мелиорацияси муаммоларини ҳал этишга қаратилган услублар, усуллар ва технологияларни такомиллаштириш, захланиш сабабларини аниқлаш, захланишнинг олдини олувчи тадбирларни амалга ошириш ва ер ости сувларининг таъсирини бартараф этиш, янги дренаж конструкцияларини яратиш ва қўллашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган минтақаларидаги шаҳар ҳудудларини захланиш муаммосининг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш;

захланиш жараёнларини шаклланишига таъсир этувчи табиий ва антропоген омилларни ва унга доир салбий ҳолатларни тадқиқ этиш;

шаҳар ва аҳоли пунктларида сизот сувлари сатҳи режимини башорат қилишнинг математик усулларини такомиллаштириш;

шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳудудларининг табиий-хўжалик ва захланиш шароити бўйича районлаштириш услубини ишлаб чикиш;

тадқиқот объектларида ишлатилаётган тик дренаж қудуқ (ТДҚ)-ларининг мелиоратив самарадорлигини баҳолаш;

захланишдан минтақавий ва локал ҳимоялашнинг илмий-амалий асосланган тадбирларини ишлаб чиқиш;

янги турдаги дренаж конструкцияларини яратиш: комбинациялашган, щахтали ва сув ютиш қудуқларининг имкониятларини ва уларни қўллаш шароитларини асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида жойлашган, захланиш жараёни содир бўлган шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳудудлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети шаҳарларнинг мелиоратив ҳолатига фильтрацион омилларнинг таъсири, сизот сувларининг кўпйиллик ва мавсумий режими, тупрок-грунтнинг аэрация зонаси таркибидаги намлик ҳаракати, критик чуқурликларга асосланган районлаштириш параметрлари ҳамда гидродинамик шароитни инобатга олган ҳолда дренажларнинг лойиҳалашни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида шаҳарларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашда дала тажриба маълумотларини аналитик қайта ишлаш, мантиқий ва омилий таҳлил, районлантириш назарияси, экспериментал тажриба натижаларига статистик ишлов бериш, гидродинамик ва математик моделлаштириш, дренаж турларини асослаш, танлаш ва лойиҳалаштиришда компонент (ихчамлаш) усулларидан фойдаланилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

Ўзбекистон Республикасининг суғориладиган ерлари шароитида захланишга учраган шаҳар ҳудудларининг мелиорациялаш услублари ва инновацион технологиялари янги турдаги дренажларни лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

захлаган шаҳар ҳудудларининг сизот сувлари сатҳи режими ва баланси, уларнинг гидрогеологик кўрсаткичлари таҳлили натижаларини умумлаштириш асосида захланиш мезонларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

сизот сувлари сатҳлари тебранишларининг хронологик ўзгариши параметрлари сатҳ ва вақт орасидаги боғланишга асосланган зах босишнинг омилларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган;

турли босимли шароитда захланишни башорат қилишнинг масалаларини ечиш услубларини гидродинамик назарияга асосланган аналитик боғланиш тенгламалари ва тусувчи дренажнинг ўрнатиш ўқ чизиғини жойлаштириш формуласи ишлаб чиқилган;

захланган шаҳар ва аҳоли пунктларини гуруҳларга бўлиш, геоморфологик шароити ва районлаштириш тамойилларининг тузилмалари умумлаштирилиб, зах босиш омиллари аҳоли пунктларининг тоифаланишини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

сизот сувларини пасайтириш ва тупроқ ичидан суғориш ҳамда босим сувларини тортиб олиш мақсадида марказий қудуқли дренаж тизимлари конструкцияси икки томонлама ишлайдиган элементлари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: шаҳар ҳудудларининг табиий, сув-хўжалик ва гидрогеологик шароитларини ўрганиш

услублари, мелиоратив ҳолатни баҳолаш орқали зах босишдан огоҳлантириш ва ҳимоялаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди;

захланиш жараёнларининг шаклланишига таъсир этувчи табиий ва антропоген омилларни ва унга доир салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи “ирригацион сизот сувлар”, “маҳаллий омиллар” ва “гидрогеологик тешиклар” орқали ер ости босимли сувларидан ҳосил бўлиши исботланди;

шаҳар ва аҳоли пунктларида ССС режимини башорат қилиш масалаларини ечиш натижасида сув ўтказмайдиган қатламнинг ер сатхига якин жойлашиши сабабли, аэрация катламида сув буғлари ва ҳаво алмашиш жараёнининг математик моделлари ишлаб чиқилди;

шаҳар ва аҳоли пунктлари худудларининг табиий-хўжалик, захланиш ва дренажлаштириш шароити бўйича районлаштириш харитаси тузилди ва потенциал зах босиш мезонлари ишлаб чикилди;

захланишдан огохлантирувчи минтақавий (пассив) ва локал дренажлар билан (актив) ҳимоялашнинг илмий-амалий асосланган тадбирларини қўллаш усуллари ишлаб чиқилди;

тадқиқот объектларида ишлатилаётган тик дренаж қудуқларининг параметрларини аниқлаш асосида мелиоратив самарадорлиги баҳоланди;

Қўқон, Риштон, Фарғона шаҳарларида тик дренаж қудуқларининг "саёз" билан “чуқур” вариантини биргаликда лойиҳалаш усуллари такомиллаштирилди ;

Лағон массивида шахта қудуқлари, Гулистон шаҳрида сув ютиш қудуқларини қўллаш тавсиялари ишлаб чикилди;

шаҳар дренаж сувларидан қурғоқчилик йилларида қишлоқ хўжалигида суғориш, коммунал хўжалиги соҳасида техник мақсадларда фойдаланиш имкониятлари тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синовдан ўтган математик назарий тадқиқот усулларини амалий тажриба маълумотлари билан тасдиқланганлиги ҳамда янги русумдаги мелиоратив тизим ва сув кўтарувчи қурулма конструкциясига ихтиро патенти олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унга кўра зах босган шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳудудлари мелиорациясининг янги услублари ва усулларини ишлаб чиқиш, назарий жиҳатдан ер ости сувлари режимининг маълумотларига асосланиш, муаммонинг эришилган натижалари, захланиш жараёнининг физик моҳияти аниқланди, захланиш критериясининг сонли кўрсаткичларини аниқлашда босим градиенти ва бошланғич градиент функцияларининг математик тахлили бажарилди, бирикмаган тупроқ-грунтларда сизот сувларига «гидрогеологик тешиклар» орқали босимли сувларнинг қўшилаётган қонунияти ва аксинча зичланган тупроқ-грунтларда намликнинг "гравитацион капилляр сакраш" эффекти табиий феномен ҳодисалари аниқланган ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этилган, дренаж иншоати қурилмалари конструкциясининг параметрларини танлаш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўйилган масалаларнинг ечимлари, жумладан муҳандислик ҳимоялаш тизимларини қўллашда мелиоратив ҳолатни: табиий, сув-хўжалик ва гидрогеологик шароитни баҳолашга асосланиб, янги русумдаги дренаж конструкциялари турлари такомиллаштирилиб (шахта-қудуқли, комбинациялашган - қурама, тик - саёз, тўсувчи ва ҳ.к.), уларнинг самарадорлиги тажрибада ўрганилганлигини хисобга олган ҳолда лойиҳалаш учун тавсия этилган, қурилиш ва эксплуатацион харажатларни камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси суғориладиган минтақаларда жойлашган шаҳар ва аҳоли масканларини зах босишдан ҳимоялашнинг мелиоратив тадбирлари ва муҳандислик ҳимоялаш тизимларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

захланишга учраган шаҳар ҳудудларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш усуллари ва инновацион технологиялари, Қўқон, Пальмон, Сўх ва Шўрсув гидроузелларининг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш учун гидротехника иншоотларни ва гидроузелларни муҳофаза этиш тадбирлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги "Сирдарё-Сўх” Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли гидротехник иншоотларида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги 02/25-54-сон маълумотномаси). Натижада мазкур объектлар техник ҳолатининг баҳоланиши асосида эксплуатацион кафолатини 4-5 йилга ошириш имкони яратилган ва хавфсизлик декларациялари тузилган;

Фарғона вилояти шаҳар ва аҳоли пунктларининг лойиҳа олди изланишларини асослаш мақсадида захлаган шаҳар ҳудудларининг сизот сувлари сатҳи режими ва баланси, уларнинг гидрогеологик кўрсаткичлари таҳлили натижалари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги "Ўзсувлойиҳа" филиали “Фарғонасувлойиҳа” институти томонидан жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги 02/25-54-сон маълумотномаси). Натижада бажарилиши лозим бўлган ҳудудларнинг сув сатҳи режими ва баланси, уларнинг гидрогеологик кўрсаткичлари таҳлили асосида дала ўлчаш ишларининг харажатларини камайтиришга эришиш имконияти яратилган;

лойиҳалаш учун янги русумдаги сизот сувларини пасайтириш ва ер остидан суғориш ҳамда босим сувларини тортиб олиш мақсадида икки томонлама ишлайдиган ва "нурли" (лучевой) дренаж тизимининг саёз варианти Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги O‘zGIP МЧЖга жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги 02/25-54-сон маълумотномаси). Лойиҳалаш ишлари натижасида шаҳар дренаж тизимлари реконструкцияси ва “Дўстлик” каналининг 2 км узунликдаги юқори участкасига бетон қопламаси ётқизилган ва фильтрация сувларининг 23% га камайишига эришилган;

зах босиш сабабларини бартараф этишда дренаж конструкцияларининг қўлланиши экспериментал синовдан ўтган ва Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги O‘zGIP МЧЖга жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги 02/25-54-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг

қўлланиши республика бўйича 546 млн. м3 ҳажмда шаҳар дренаж сувларидан фойдаланиш ва 68,25 минг га экин майдонларини суғориш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 97 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 2 та монография, 26 та журналларда, 24 та илмий тўпламда мақолалар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари доктори (Doctor of sciense) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 16 та мақола, 30 та тезис, 2 та дарслик ва 14 та ўқув-услубий қўлланмалар, депонент шаклида 3 та мақола нашр этилган ва 2 та патент олинган ва 3 та ихтиро предметига расмийлаштирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва илмий зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари изоҳлаб берилган, объекти ва предмети шакллантирилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Захланган ҳудудларнинг мелиорацияси муаммоларини ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган **биринчи** боби Республикада ва чет элдаги илмий ишлар таҳлили ва натижаларини баҳолашга бағишланган. Орол денгизи ҳавзасида кенг миқёсли суғориш натижасида захланиш жараёнининг пайдо бўлиши сабаблари ва омиллари қисқача баён этилган.

Зах босиш жараёни муаммолари С.Ф.Аверьянов, В.А. Барон, В.А.Ковда, Ф.О.Котлов, Д.М.Кац, Б.Б. Шумаков, С.Ш. Мирзаев, А.Ж.Муфтахов, Е.С.Дзекцер, Б.С.Серикбаев, Р.А.Смирнов, Я.С.Содиқов, И.А.Сорокина, Ю.И.Сухарев, Л.З.Шерфединов, У.У.Умаров, И.Хабибуллаев, Н.Тохиров ва бошқаларнинг асарларида келтирилган.

Илмий манба маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, техноген ўзгаришлар (гумид зоналарда–йирик сув иншоатларини қуриш объектларида) ва суғориш таъсиридан (арид зоналарда) тубдан сув – зах босиш, кенг маънода ерларнинг захланиш жараёни пайдо бўлган, ушбу жараённинг кўп омиллилиги ва мураккаб кечиши баён этилган.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш давомида “тубдан сув босиш" (подтопление) тушунчасига аниқлик киритиш талаб этилади. Масалан С.Ф. Аверьяновнинг (МГМИ Россия) таърифлашича "тубдан сув босиш" – сизот

сувлари режимининг муайян омили ва унга инсон фаолиятининг юқори даражада таъсир кўрсатаётганлиги, ўз навбатида ўзаро боғлиқ ҳолда бу жараённинг аэрация қатламида содир бўлиши (қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш, суғориш, зах кочириш ўрмонларнинг кесилиши ва ҳ.к.), ҳамда сув тармоклари ва сув ҳавзаларининг қурилиши билан характерланади.

Кўпчилик иншоотлар ҳамда турар жойлар учун қулай шароит, бу грунт сувининг норматив чуқурлиги 2,5–5 м. ни ташкил этади. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати уларнинг табиий дренажланган кўрсаткичларига ҳамда грунт сувларининг тупроқ-грунтга, потенциал зах босишга боғлиқлигини тадқиқот қилиш ва сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги ва минераллашганлик даражаси ҳамда мавсумий ва кўп йиллик режимининг ўзгариш қонунияти аниқланди.

Юқорида баён этилганидек, бу йўналиш бўйича қатор тавсиялар ишлаб чиқилганига қарамасдан, захланиш жараёнини ифодаловчи қатор омилларни (аэрация қатламида намлик харакати, сизот сувлар режими, сув баланси) инобатга олиб, шахар мелиорацияси асосларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Шунингдек, юқоридаги тахлиллар асосида мазкур ишнинг максади ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертациянинг **иккинчи** бобида **“Шаҳар ҳудудларини зах босиш жараёнларини ўрганишнинг назарий тадқиқотлари”** баён этилган.

Зах босишнинг назарий масаласини ечиш учун сизот суви чуқурлигининг кўпйиллик, мавсумий ўзгариши режими ўрганилди ва шартли равишда учта фазага: ССС нинг локал кўтарилиши, катта майдонлардан инфильтрацион оқимларининг оқиб келиши ва шаҳарларни тубдан сув босиши (захланиши) натижасида содир бўладиган жараён эканлиги аниқланди.

Амалий жиҳатдан иккинчи ва учинчи фаза, бу зах босиш фазаси: ССС нинг кўтарилиши ва ер юзасига яқинлашиб, турғун ҳолатда сақланиб қолишидир. Потенциал зах босиш критерияси сифатида, намлик билан тўлиқ тўйинган аэрация зонаси баландлигини мавсумдан сўнг пасайган ССС чуқурлигига нисбати билан ифодалаш тавсия этилган:

$$K_n = \frac{A + h}{h^I{}_a} \qquad (1)$$

бу ерда: А – ССС нинг йил давомида ўзгариш амплитудаси, м;

h–тупроқ остидан ер юза сатҳигача чегаравий нам сиғимигача тўйинган намлик баландлиги ёки ҳаво-намликнинг йил давомида ўзгариши зонаси, м;

$h^I{}_a$– суғориш мавсуми (вегетация) тугагандан кейинги сизот суви сатҳининг стационар ҳолатига қайтиш чуқурлиги, м.

Грунт суви критик сатҳи чуқурлигига (ССС=3м) кўтарилиши давомида тупроқ – грунтнинг тўлиқ намланиши кузатилади. Аэрация қатламида намликни капилляр кўтарилиш баландлиги грунтнинг гранулометрик таркибига ва СССнинг режимига боғлиқ. Бу тупроқ - грунт қатламидаги ғовак (бўшлиқ)лар ҳолатининг икки муҳитга, чунончи сувли (намлик) ва ҳаво

буғлари (қуруқ) қисмларига бўлинишидан иборат бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$h = h_{кап} + h_a \qquad (2)$$

бу ерда: $h_{кап}$ – тўлиқ нам сиғимигача тўйинган капилляр намлик кўтарилиш баландлиги зонаси, м; h_a –аэрация зонасининг қалинлиги, яъни тупроқ - грунт қатламидаги намлигининг критик h_k чегарасидан, то ер юзаси сатҳигача бўлган доимий ўзгарувчан ҳаво-сув алмашадиган қисми.

ССС режими (модели) нинг мавсумий ўзгариш кўрсакичлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. **Сизот суви сатҳининг мавсумий режими ўзгаришининг миқдорий кўрсаткичлари схемаси**

Графикда келтирилишича биринчи фазада $H_1 > h_{кр}$ (1–5 ойлар)да зах босиш ҳолати кўзга ташланмайди, чунки ССС чуқурлиги критик чуқурлик ($h_{кр}$>3 м) дан пастда, зах босишдан дастлабки ҳолат қуйидагича ифодаланади:

$$H_1 = h + h_б , \qquad (3)$$

Бу ерда: H_1 – зах сув сатҳининг кўтарилиш (намланиш) баландлиги, м; $h_б$– ер сатҳи юза қатламининг қалинлиги, м.

Шаҳар ер юзасининг катта майдони қаттиқ қоплама (асфальт, бино ва иншоатлар) билан қоплангани боис сув ўтказмайди, буғланиш ва инфильтрация жараёни чекланган, намлик ва атмосфера ёғинларни ҳам грунт сувларига таъсир этмайди. Лекин, бошка техноген сабабларга кўра ССС нинг кўтарилиши билан иккинчи фазаси бошланади, капилляр ҳаракати (ҳаво ҳароратининг кўтарилиши) натижасида, қисқа муддатда ССС нинг ер юзасига кўтарилиши кузатилади ва аэрация зонасининг тупроқ-грунт ғовакларидаги ҳаво ўрнини сув томчилари (намлик) эгаллайди $H_2 < h_{кр}$ (1-расм, 6–9 ойлар). Суғоришдан сўнг, намликни тўлиқ даражада мутлақ тўйинганлик ҳолати аэрация қатламида захланиш ёки зах босиш жараёнини вужудга келтиради ва H_2=h га тенг бўлади:

$$H_2 = A + h_{кап} , \qquad (4)$$

Захланиш башорати масаласини ечиш учун сизот суви чуқурлигининг ўртача кўп йиллик ўзгариш режими ССС нинг кўтарилиши билан боғлиқ биринчи фазадан иккинчисига ўтиш даври, яъни H_{max} дан H_{min} га ўзгариши жараёни унинг йиллик амплитудаси – А орқали ифодаланди:

$$A = H_1 - H_2 = H_{max} - H_{min}, \quad (5)$$

Зах босишнинг бошланиш жараёнида тупроқнинг аэрация қатламида максимал (H_1) чуқурлик ҳолатидан минимал (H_2) гача ўзгариши ёки намланиш баландлигига тенг. Демак, йил давомида СССнинг ўзгариши графигини даврий қисмларга ажратиб, уни чегаравий параметрларини аниқлаш ёрдамида зах босиш муддатини ҳисоблаш мумкин:

$$H = A + h_{аэр} + h_{кап} = A + h, \quad (6)$$

Қаттиқ қоплама бўлмаган ҳолларда ССС ер юзасига яқинлашган сари буғланиш жараёни тезлашади ва $h \approx h_k$, $h_б = 0$ га тенг бўлади ва аэрация зонасининг грунт ғовакларидаги сув томчилари ўрнини ҳаво эгаллайди. Суғориш мобайнида бу жараён аксинча кечади, ҳаво ўрнини сув томчилари эгаллайди, яъни $H_2 = H_{min.}$ ва ССС критик чуқурликдан юқорига интилади.

Оғир зичланган гилтупроқлар ва микроагрегатли грунтлар (шаҳар ва қишлоқ очиқ майдонлари) доимий холатда тўлиқ сув билан тўйинган. Маълумки, тўйинган намлик кўтарилиш баландлиги капилляр радиусига тескари пропорционал, ёки капилляр қанча ингичка бўлса, шунча сув юқорига кўтарилади. Унда формула (1) шаҳар ерлари учун потенциал зах босиш коэффициенти K_n ни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_n = \frac{A + h}{h_{кр}}, \quad (7)$$

$h_{кр}$– сизот сувининг критик чуқурлиги (1,5–2 м суғориладиган, 2,5–5м. шаҳар ва район марказлари ерларга тавсия этилган);

Зах босган ерларни районлаштириш мақсадида зах босишнинг потенциал мезони қуйидагича тоифаланди: $К_п$>1–зах босиш кузатилмайдиган ер майдонлари; $К_п$ = 0 – 1 – зах босишга мойил ва енгил мавсумий зах босадиган; $К_п$ < 0 – доимий захланиш таъсирига учраган ер майдонлари, ССС критик чуқурликдан юқорида кузатилади (H_2 <3 - 5 м). Бу кўрсаткичлар ССС ни мавсумий ўзгариши ҳамда ерларнинг геоморфологик, гидрогеологик ва геологик шароити билан боғлиқдир.

Зах босишдан ҳимоялашнинг локал масалаларини ечиш учун қудуқдаги насоснинг бир маромда ўзгармас сув сарфи q_c билан ишлаши ва динамик сатҳнинг ўзгармаслигини таъминлайди. Агар дастлабки ҳолат учун дренаж тўхтатилган t=0 деб фараз қилинса, қудуқ сувга тўла бошлайди. Йиғилаётган грунт суви сатҳи dh ни (майдон бирлигига) ва dt вақт давомида йиғилган сув микдорига тенг десак, унда қуйидаги дифференциал тенглама келиб чиқади:

$$\frac{dh}{dt} = \frac{q_c}{d_k}, \quad (8)$$

бу ерда: q_c – қудуқ сув сарфи, $м^3/с$; d_k – қудуқнинг диаметри, м.

Икки ва уч қатламли шароитда ишлаётган дренажнинг атрофга таъсир этиш масофаси l_w, бир қатламликка нисбатан фарқи l^1_w ер ости сувларининг H_m босимининг ўзгаришига қараб ёки катта ($\lambda \neq 0$) ёинки кичик ($\lambda = 0$) бўлади. Бу ҳолда уларнинг орасидаги муносабат:

$$\frac{l_w}{L_w^1} = \sqrt{\frac{\bar{\varepsilon}}{\bar{\varepsilon} - \lambda^2 (q_к - q_{ср})}}, \qquad (9)$$

бу ерда: l_w, - қудуқ марказидан ташқи манбадан оқиб келаётган оқим радиусигача бўлган масофа, м; l^1_w- қудуқ марказидан зах пасайтириш объектигача бўлган масофа, м; $\bar{\varepsilon}$ - ташқи сув мабалардан оқиб келаётган инфильтрация оқими жадаллиги; λ –босимли сувнинг оқиб чикиш параметри; $q_к$ – қудуқдан насос ёрдамида чиқариб ташланаётган сув сарфи, л/с; $q_{ср}$ – қудуқ атрофидан эркин равишда оқиб тушаётган ўртача сув сарфи, л/с.

Мазкур (9) тенглама билан якка дренаж қудуғига оқиб келаётган сув сарфи миқдори ҳисобланади. Босим сувлари миқдори қўшилганда эса, (9) тенгламани қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$q = q^* + q_\lambda,$$

$$q^* = k\,\frac{q_k - q_\partial}{l_1} + \varpi(l_1 + l_2), \qquad (10)$$

бу ерда: q* -ташқи манбадан оқиб келаётган инфильтрацион сув сарфи, л/с; q_λ – босим сувларидан грунт сувларига қўшилаётган сув сарфи, л/с;

q_0 -“гидрогеологик тешик”лардан оқиб чиқаётган сув сарфи, л/с;

k – фильтрация коэффициенти, м/сут; l_1 – дренаж қудуқ марказидан зах босиш манбасигача бўлган масофа, м; l_2 - қудуқ марказидан СССни пасайтириш объектигача бўлган масофа, м; ω - дренаж қудуғига оқиб келаётган сув сарфининг ички контури майдони, м^2.

Тенглама (10) қайта ишланганидан сўнг қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$q_\lambda = \frac{2\pi\, k_2\, m_2}{R_{пр}\ \ell_а} \qquad (11)$$

бу ерда: k_2 – иккинчи сувли қатламнинг фильтрация коэффициенти, м/сут; m_2 – иккинчи сувли қатламнинг қалинлиги, м. $R_{пр}$–дренаж қудуғининг келтирилган таъсир этиш радиуси, м; $\ell_п$ – дренаж қудуқдан “гидрогеологик тешик” марказигача бўлган масофа, м;

Таклиф этилган формулалардан кўринишича, дренажга қўшилаётган сув оқимининг микдори фильтрация жараёнига боғлиқлиги билан характерланади. Мазкур ҳолатларни ифодаловчи асосий ҳисоблаш формулалари назарий хамда амалий жихатдан ўрганилган бўлиб, улар мукаммал дренаж қудуғини ишлатиш натижасида сув пасайиши билан сув сарфи орасидаги боғланиш тенгламалари орқали ифодаланган.

Шунинг учун, ССС ни пасайтиришга ва дренажнинг сув сарфи миқдорига қатламнинг сув бериш қобилияти, остки қатлам босим суви Н ва сув ўтказиш параметрлари k_2 m_2 таъсир кўрсатади.

Шунингдек, дренаж қудуғи таъсир этишининг келтирилган радиуси $R_{пр}$ “гидрогеологик тешик”лар марказига яқин бўлса, дренаж тизимларини ҳисоблашда $k = k_2 = k_3 = k_4$ ўзаро тенг деб қабул қилинади, бундай шароитда, сув

босими хисобига дренаж кудуғига қўшилаётган сув сарфининг кўпайиши кузатилади.

Тажрибада учинчи қатламнинг фильтрация коэффициенти иккинчисига нисбатан катталиги иккию - икки баробар $k_3 = 2{,}2k_2$ миқдорида аниқланган бўлиб, бу босимли сувларнинг грунт сувларига оқиб чиқиш миқдорини q_λ тарзида ҳисоблаш имконини беради.

Назарий маълумотлар дала тажриба натижалари билан солиштирилганда, k нинг 0,001 дан 0,07 м/сут га ўзгариши – дренаж кудуғига оқиб келаётган сув сарфи микдорининг кескин ўзгариши аниқланди. Ер ости сувларининг турли босимсиз ва босимли шароитда дренаж кудуғи ёрдамида сувнинг пасайиши билан сув сарфига боғланиш жараёни тенгламалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Турли босимли шароитда дренаж кудуғига ҳаракатланадиган оқимнинг сув пасайиши билан сув сарфига боғланиши тенгламалари

Ҳисоблаш услуби	Босимли ёки босимсиз	Ҳисоблаш тенгламаси
Чуқурлиги бўйича кўп қатламни эгаллаган кудуқнинг ҳисобий сув сарфи (М.Б.Альтовский)	босимсиз	$Q=f_1(S_1) + f_2(S_2)$
Якка ишлаётган кудуқ ҳолати учун сув сарфи Ф.М Бочевер, Н.Н. Веригин тенгламаси	босимсиз	$Q = k_2 \pi r h \frac{dh}{dr}$ $y^2 - h_{0j}^2 = \frac{q}{\pi k} \ln \frac{x_j}{r_j}$
Катта диаметрли кудуқнинг маркази ва унинг атрофида айлана бўйича ўзаро боғлиқ бўлган кудуқлар ичида сув сатхининг пасайиши (Б.Салиев) тенгламаси	босимсиз	$h_ц = H - \frac{nQ(\lg R_{б.к.} - \lg r)}{2{,}37 K_{ср} \cdot m_{ср}}$
Катта кудуқнинг айланма сув таъминоти ҳолати учун А.Ж. Муфтахов, Ф. Форхгеймер, В.М. Нехорошев тенгламаси	босимли	$h_{Ai} = H - \frac{1}{237} \sum Q \lg \frac{R}{r_1}$ $Q = \frac{2\pi к (H_2{}^2 - Y^2)}{\ln \frac{R}{X_0}}$
Мукаммал кудуққа бир ва икки томонлама келаётган сув оқими ҳолати учун Дюпюи ва Кусакин тенгламаси	босимли	$q_\lambda = \frac{2\pi \cdot K_2 m_2}{R_{пр} l_n}$ $q = \frac{K_1 \cdot K_2}{2} \cdot \frac{h_л^2 - h_{пр}^2}{к_2 r_c + к_2 (R - r_c)}$
«Гидрогеологик тешиклар» мавжуд бўлганда кудуққа оқиб келадиган радиал оқим сарфини аниклаш тенгламаси (Б.Салиев)	босимли	$Q = \frac{2\pi к m S}{\ln \frac{R}{r_c} + \zeta_{приф} - 0{,}5}$

Жадвалда келтирилган формулаларни конкрет геофильтрацион шароит учун қўллаш тавсия этилган.

Диссертациянинг **«Шаҳар ва аҳоли пунктлари ҳудудларини районлаштиришнинг гидрогеологик - мелиоратив асослари»** деб номланган **учинчи** бобида табиий шароитларни типларга бўлиш, сув хўжалик ва гидрогеологик районлаштиришнинг услубий асосларини қўллаш таҳлили келтирилган. Шунингдек, аҳоли пунктларининг жойлашиш моделини тузиш процедураси районлаштириладиган объектларни кўп майда гуруҳларга ажратиш ёки тўпланган маълумотларни тоифаланиш белгиларини синфларга бўлиш бўйича кўрсатилган деб хулоса қилиш мумкин.

Тоифалаш асосига ўлка ва вилоят (гидрогеологик худуд) ичида жойлашган аҳоли турар-жойлари, ССС чуқурликлари бўйича қуйидаги категорияларга ажратилган: I–захланмаган -5 м дан чуқур; II–кам ва мўътадил захланган -3–5м; III –захланган - 1–3 м; IV–кучли захланган: 1-2 м дан кам.

М 1:2500000 миқёсли ишлаб чиқилган харитада сув хўжалик тадбирлари таьсирига учраган геоморфологик типик тузилмалар табиий шароит модели бўйича тоифаланишига хос бўлган саккизта районларга ажратилди: I район: 1 а – конус ёйилмаси, 1 б –тоғ олди текислиги; II район: 2 в–сув айириш массивлари; 2 г–ёпиқ ва ярим очиқ водийлар; III район: 3 д–аллювиал террасалар, 3 е– субъаэрал дельтаси, IV район: 4 и – қадимги денгиз олди дельтаси ва 4 к - хозирги денгиз олди дельтаси.

Эксперт баҳолаш усулини қўллашга асосланиб, аҳоли пунктлари ва типик объектлардан олинган сув балансининг кирим маълумотларини таҳлил қилиш натижасида, тадқиқот ўтказилаётган районларнинг захланиш жараёнининг шаклланишига зах босишнинг учта асосий омили аниқланди.

Биринчи омил. Суғориладиган ерлардан инфильтрацияга шимилган сувлар, барча таҳлил қилинган тавсифларга алоқадор, инфильтрация омили сифатида интерпретацияланиб, минтақавий текисликнинг нишаблиги ва дарё ётқизиқларининг қиялиги сизот сувларининг шу қиялик бўйлаб оқиб келиши сабабли, захланиш ва шўрланишни пайдо қиладиган асосий омил эканлиги аниқланди. Бу оқимни минтақавий "ирригацион сизот сувлари" (ИСС) оқими деб аташ мумкин. Унинг юкламаси ўртача 63,2 % га тенг. Тўрткул шаҳри учун, бу оқимнинг улуши 91,0% бўлиб, асосий горизонтал йиллик оқим балансининг дисперсли тушум йиғинди қисмини ташкил этади.

Иккинчи омил - бу “маҳаллий омил” зах босиш жараёни суғориладиган ерларидан ва шаҳар шароитидаги суғоришлардан ва коммунал-оқова сувларнинг ерга шимилишидан сизот сувларини вертикал бўйича “юқоридан пастга” сизилишидан ҳосил бўлади.

Лоғон тажриба участкасида олиб борилган кузатувлар асосида ССС 30 нчи йилга келиб ирригацион режимга бўйсунган ҳолда, суғориш тармоқлари ва каналнинг таъсири жойларда ССС 1-2 м, каналнинг марказидан узоқлашган қисмида -2-3 м ва тажриба участкаси атрофида -3 - 4 м га тенг бўлганлиги маълум бўлди.

"Статистика" компьютер программаси асосида бажарилган ҳисоблардан

қуйидаги натижалар олинди:

R= – 0,8183 корреляция коэффициенти; $N_{гр}$ – ҳисоб йилларининг тартиб рақамлари; n = 20; 16; 14 ва х.к.- ССС чуқурлиги нуқталари.

ССС чуқурлик нуқталарининг йил давомида ўзгаришининг корреляцион боғланиши қуйидагича ифодаланди:

$$\mathbf{ССС = 18{,}2181 - 1{,}1272\ N_{гр} \pm 4{,}356,}\ м \qquad (12)$$

бу ерда: 18,2181 ва 1,1272 – тенгламанинг доимий боғланиш сонлари;

– – – 4,356 – ишонч интерваллари оралиғи

Зах босишнинг асосий сабаблари ва омиллари бўйича аҳоли пунктларининг тоифаланиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Зах босиш омиллари бўйича аҳоли пунктларининг тоифаланиши

Район	Индекси	Гидрогеологик зоналар таркибидаги тузилмалар	Зонадаги аҳоли пунктлари сони, %	Типик шаҳар, аҳоли пункти – нинг ер майдони, га	Сув кирим балансининг ҳажми, млн.м^3 йил	Инфильтрация миқдори, м^3/га йил	Омил юкламаси, %		
							1- омил	2 -омил	3 -омил
I	А	Конус ёйилмаси	9/6,4	Қўқон, 2500	34,33	13732	5,24	25,2	69,5
	Б	Тоғ олди те-кисликлар	26/18,6	Пахтакор, 300	3,292	10973	44,78	39,8	5,32
II	В	Сув айиргич массиви	12/8,6	Яйпан, 500	4,228	8456	71,61	1,49	26,9
	Г	Ёпиқ ҳавзалар	15/10,7	Кизирик, 760	2,198	2892	54,67	2,46	42,87
III	Д	Аллювиаль террасалар	36/25,7	Гиждувон, 560	12,11	21625	81,67	8,26	10,07
	Е	Субьаэрал дельтаси	20/ 14,3	Чалиш, 122	2,13	17459	84,04	0,46	15,5
IV	И	Қадимги денгиз олди дельтаси	13/ 9,03	Турткўль, 800	2,696	3370	91,0	9,0	0
	К	Ҳозирги денгиз олди дельтаси	9/6,4	Чимбой, 715	4,676	6540	68,23	8,0	3,67
		Жами/ ўртача	140/ 100	6257	65,66	10494	62,66	11,84	21,73

Мисол учун, Пахтакор шаҳар худудида сизот сувлари оқим улуши 39,8% га тенг. Шунга ўхшаш Лағон массивида 1983 йилдан бошлаб техноген сабабларга кўра 20 метр чуқурликда жойлашган ССС қарийиб ер юзасигача кўтарилган. (2-расм).

2- расм. **Фарғона вилояти Фарғона туманининг "Лоғон" мевачилик хўжалигида жойлашган № 586 ª қудуғида кузатилган сизот сувлари сатҳининг кўпйиллик режими.**

Учинчи омил. Захланиш жараёнининг шаклланишига акс таъсир этган ҳолда, ер ости босимли сувларидан сизот сувларини тўйинтиради. Чуқур қатламлардан "гидрогеологик тешиклар" орқали босим сувларининг оқиб чиқиши натижасида зах босишни келтириб чиқаради ёки маҳаллий “оқиб чиқиш ўчоғи” ҳолатида учрайди. Мисол тарикасида, Қўқон шаҳридаги сизот сувлари балансининг кирим қисмининг 69,5 фоизини ер ости босимли қатлам сувларининг қўшилишидан ҳосил бўлганлиги аниқланди. Мазкур омил миқдорининг таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, тоғли ҳудудлардаги сойларнинг тектоник дислокациясидан пайдо бўлган дарё оқизиқлари қадимги Тошкент геологик даври ётқизиқлар устидан аллювиал Сўх даври оқизиқларнинг ювилишидан янги структура ҳосил қилувчи жараёнларидан турли қатламлар пайдо бўлган.

Бундай кўмилиб кетган чизиқли қатламлар (сой ўзанлари остида) дислокациясининг бирлиги ювилиш жойлар бўйича қуйидаги хулосага олиб келади: геологик ёшининг даврийлиги туфайли "гидрогеологик тешиклар" пайдо бўлган ва зах босиш сабаблари (1- ва 2- омил), ер ости сой ўзани йўлларидан грунт сувларининг йўналиши бўйича чуқур босимли сувлар оқими билан биргаликда ҳаракатланади (3 - омил).

Турли табиий сабаб ва антропоген омиллар босимининг таъсиридан ССС ва захланишнинг шаклланиш давомийлиги 3 расмда келтирилган.

Тавсия этилган тоифаланиш бўйича, бино ва иншоотлар қурилган ҳудудлар ва суғориладиган майдонлар орасида, бир хил геоморфологик шароитда жойлашган бўлиб, дарё аллювиал терраса (ҳар хил геологик ёшдаги ва литологик тузилиши бўйича) ва бошқа турдаги ҳудудларда жойлашган.



3-расм**. Турли сабаб ва омиллар босимининг таъсиридан сизот сувлари сатҳининг шаклланиш давомийлиги.**

1- инфильтрацияга шимилган сизот сувларининг қиялик бўйлаб оқиб келиши сабабли захланиши; 2- вертикал бўйича “юқоридан пастга” сизилиши; 3 - ер ости босим сувларидан сизот сувларини тўйинтириб, чуқур қатламлардан “пастдан юқорига”оқиб чиқиши.

Инфильтрацион оқимларнинг тақсимланиши ва сувлар хажмининг аэрация қатламини грунт сувлари билан майдон ҳудудидаги тўйиниши схемалаштирилса, улар чизиқли ва майдонли манбалар кўринишидаги турларга бўлинади. Республиканинг 140 шаҳар ва аҳоли пунктларидан йиғилган хақиқий материаллар асосида районлаштириш харитасини тузиш жараёни учта боскичда амалга оширилди. Яъни, биринчиси шаҳар ва аҳоли пунктларнинг геоморфологик жойлашиши бўйича типларга бўлинди, иккинчиси назарий тадқиқотлар ва дала тажриба маълумотлари асосида гидрогеологик параметрлари ўрганилди. Сўнгги 3- босқичда суғориладиган минтақаларда жойлашган аҳоли пунктлари захланишнинг табиий дренажланган ҳолати бўйича категорияларга ажратилиб районлаштирилди ва потенциал зах босганлик даражасининг М 1:2500000 типологик харитаси тузилди.

Диссертациянинг **«Зах босган шаҳар ҳудудларини муҳофаза қилишнинг мелиоратив тадбирларини ишлаб чиқиш»** номланган **тўртинчи** бобида дала-тажриба экспериментал тадқиқотларига асосланган турли дренаж қурилмаларининг ишлаш самарадорлиги таҳлили ва мелиоратив тадбирларни қўллашга бағишланган.

Зах босишдан ҳимоялаш усуллари иккига бўлинади:

гидромелиоратив (зах босишнинг олдини олиш) усуллари. Бу пассив усуллар бўлиб, унга кўра турли хил сув хўжалиги шароитларида пайдо бўлаётган мураккаб, янги техноген режим балансининг намоён бўлиши ўрганилиб, уларнинг ташқи сабаблари бартараф этилади. У қуйидаги 8 усулдан ташкил топган: ирригация тизим ва тармоқларининг эксплуатациясини яхшилаш, хўжаликлараро ва ички хўжалик сув йўлларини етарли ишчи ҳолатда сақлаш; канал ва ГТИ лардан бўлаётган фильтрацияга қарши кураш; сувдан фойдаланишни қатъий меъёрда сақлаш; суғоришнинг прогрессив технологияларига ўтиш; ёмғир ва қор сувларини йиғиш ва оқизиб юборишни

ташкил этиш; тўсувчи дренажларни қуриш; ўрмон мелиоратив ҳудудлари ва йўлакларини ташкил этиш; сув кўп талаб этадиган қишлоқ хўжалик экинларини кам сув талаб этадиган экинларга алмаштириш**;**

муҳофаза дренажлари (актив усуллар). Янги русумдаги дренаж иншооти конструкцияси ва турларини шаҳар шароитига мос равишда ССС ни пасайтириш учун қўлланади.

Бу усул зах босиш ва сув танқислиги шароитида тадқиқотнинг асосий масаласи бўлиб, икки томонлама ишлайдиган инновацион дренаж тизимларини яратиш: биринчидан инфильтрацион ер ости оқимларини тўсиб қоладиган, иккинчидан суғориш ва хўжалик-техник сув таъминоти манбаи иншоати ҳолатида фойдаланишга мўлжалланган. Келажакда зах босган ерларда ”субирригация” усулида суғориш ва ССС ни пасайтириш учун қўлланиладиган мелиоратив - айланма тизимнинг такомиллашган конструкцияси ишлаб чиқилди.

Мелиоратив тизим ёпиқ ва ётиқ қувурлар билан бирлаштирилган марказий қудуқ ва унинг ичига ўрнатилган бурғу қудуғидан иборат бўлиб, у тизимни ер остидан оқиб чиқадиган ўрта ва паст босимли сув билан таъминлайди (патент №3832), суғориш мавсуми тугагандан сўнг дренаж воситаси сифатида тизимдан фойдаланилади. Шахар шароитида гидротаран қурилмасидан фойдаланиш мумкин (патент №05659).

Амалда Қўқон шаҳрида синов участкаси ажратилиб комбинациялашган дренажнинг самарадорлиги ўрганилди. Комбинациялашган дренажнинг ишлаш схемаси 4–расмда келтирилган.



4-расм. Қўқон шаҳридаги «Узумзор» тажриба участкасида ётиқ қувурларнинг тик дренаж қудуғига уланиши

Танланган иккита «Найманча» ва «Узумзор» синов тажриба участкасида узунлиги 142 ва 263 м ли ётиқ ёпиқ қувурлар ишлаб турган тик дренажга уланди. «Узумзор» тажриба участкасида ётиқ қувурлар тик дренаж қудуғига

уланиб, амалда текширилган. Мавжуд тик дренаж қудуғининг ён қисмидан очиқ кавлаш усулида ётиқ ёпиқ қувур ётқизилиб, грунт сувларининг оқиб келиши таъминланди. Қувурдан қудуққа оқиб тушадиган грунт сув сарфи тажриба бошланишидан олдин 12 л/с гача (6 сут давомида), сўнг 7–9 л/с, ўртача 10 л/с га тенг бўлди. Қувур улангандан сўнг кузатув қудуқларидаги дастлабки СССнинг 0,3 – 0,5 метрдан то 2,1 метргача ва 3,5–4 ой ўтгандан сўнг 3 м гача пасайиши кузатилди. Қўқон шаҳрида олиб борилган экспериментал - дала тажрибалари натижасида ўзгача ер ости тубидан захланиш тури – чуқур ер ости босим сувларини «гидрогеологик тешик»лардан юқори қатламларга оқиб чиқиши аниқланди. Бу жараённи майдон бўйича ўрганиш мақсадида Қўқон шаҳридаги ишлаб турган барча тик дренаж қудуқлари бир вақтда тўхтатилди ва бир ой давомида 110 қудуқ ва 82 та пъзометрларидан ўлчов ва кузатув ишлари олиб борилди. Олиб борилган дала тажрибалари натижаларининг кўрсатишига кўра, ТДҚ ишлаши давомида дастлаб босимли сув сатҳларии билан ССС лари ўзаро тенг бўлган, лекин барча насослар тўхтатилгандан сўнг босимли сувларнинг айрим қудуқлардан оқиб чиқиб, сизот сувлари ва ер юзаси сатҳига нисбатан юқорига кўтарилган, ССС ва босимли сувлар сатҳлари орасидаги фарқлари эса 1,4 - 3,2 м га тенглиги аниқланди. Сув баланси усули билан ҳисоблаш натижасида, ер ости босимли сувларнинг грунт сувларига оқиб чикишининг ўртача миқдори (1000 га шаҳар майдони буйича) бир гектарига 10,95 м^3/сутка га тенглиги ва Сўх дарёси конус ёйилмаси ҳудудининг сойли ўзанларидан шахар худудига оқиб келаётган сизот сувларининг солиштирма миқдори 5,37 м^3/сутка га тенглиги аниқланди. Босимли сув сатҳининг ўзгариши ва дренаж қудуғидан сув сарфининг оқиб чиқиши график кўринишда 5-расмда келтирилган.



5-расм. **Қўқон шаҳри Оқтепасой бўйлаб тик дренаж қудуқлари жойлашган трассадаги дренажларни бутунлай тўтхатилганда ТДҚ-19^б қудуқдаги босимли сув сатҳи ва сув сарфининг тикланиши.**

Дала экспериментал тажрибаларидан хулоса шундан иборатки, зах босишнинг босимли шароитида ТДК нинг таъсир радиуси чекланган бўлиб, бу

ҳолатда босимли сувларни ”гидрогеологик тешиклардан” оқиб чиқиши натижасида Қўқон шаҳрида ССС чуқурлигининг пасайтирилишига кўзда тутилган (лойиҳа 3 м) самарага эришилмади. Шунга асосан, кейинчалик ТДК сонини 110 тага кўпайтириш ва чуқурлигини икки турдаги (саёз ва чуқур) бўйича жойлаштириш орқали ижобий самарага эришилди, яъни СССнинг уртача чуқурлиги 3 м гача пасайтирилди.

Бошқа тажриба участкасида, қудуқ насос турига қараб ТДҚ №18 дан сув чиқариб ташлаш сарфининг ўзгариши билан депрессия эгри чизиғининг ҳолати ва таъсир этиш радиуси параметрларининг ўзгаришига боғлиқлиги ўрганилди. Насосларнинг ишлаш параметрлари 3- жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Насосларнинг турига қараб эксплуатацион сув тортиб олиш параметрларининг ўзгариши

№	Насос тури	H, м	Q, л/сек	R, м
1	ЭЦВ -6-10-80	5,4	5,6	100–140
2	ЭЦВ -8-40-63	7,2	11,2	150-210
3	ЭЦВ -10-120-60	11,6	23,7	220–340
4	ЭЦВ -12-255-30	14,8	35,1	350–430
5	Комбинациялашган	16,5	42,0	450–500

Ўтказилган дала тажриба натижаларини хисобга олган ҳолда лойиҳалаш учун такомиллаштирилган конструкциялардан бири ёпиқ ётиқ қувурлар орқали сизот сувлари кенг диаметрли қудуққа ўзи оқиб янги русумдаги дренаж турлари (сув ютувчи қудуқлар, шахта-қудуқли, тик - саёз, тўсувчи ва ҳ.к.), уларнинг самарадорлиги назарий ва амалий жихатдан бахоланди.

Сув ютиш қудуқларини қўллаш. Республикамиз шаҳарларида хар хил турдаги зах қочириш тизимлари қўлланилмоқда: 60-йиллардан бошлаб ётиқ ёпиқ, 70–90 йиллардан эса тик дренажлар қурилган ва ишлатилмоқда. 2015–2018 йилларда ТДҚ сони тегишли равишда Қўқонда 108, Гулистонда 85 ва Риштонда 43 тага кўпайтирилди. Бошқа шаҳарларда 50% дан ортиқ ТДҚ сув бериш қобилиятини ошириш мақсадида реконструкция қилинди.

Гулистон шаҳрида олиб борилган дала тажрибаларида аниқланишича, гилли ер устки қатламининг фильтрация коэффициенти 0.01–0.03 м/суткани, остки сув ўтказувчи қумли қатламники эса 25–36 м/суткани ташкил этади. Ернинг устки қатламининг аэрация чуқурлигигача узоқ йиллар давомида зичланиб, ботқоқланиши, шўрланиши ва унинг остидаги тупроқ-грунт қатламининг юқори даражада минераллашиши натижасида оқувчи-сорбцион (плывун), яъни сув ўтказмайдиган ҳолатга айланган. Қумли қатламнинг сув ўтказиш қобилияти паст 1,5 м²/сут, грунт сувлари оқимининг нишаблиги – 0,00012 га тенг. ИСМИТИ ва Uz GIP МЧЖ институтининг ҳамкорлигида олиб борилган дала тадқиқотлари маълумотларида қайд қилинишича, мавжуд ётиқ ва ТДҚ СССни пасайишига етарли даражада таъсир кўрсатмаётганлиги аниқланди. Дренажлар шаҳарнинг ён атрофидан оқиб келаётган ер ости суви

оқимларининг таъсирини камайтирмокда. Кузатилган режим маълумотларига асосан, шаҳар майдонининг 76 фоиз қисмида босим манфий кўрсаткичга тенг, ҳолбуки шаҳар марказий кисмида босимли сувларнинг сатхи СССга нисбатан 1,5–2,8 метр пастда. Бундай фарк ТДК ларининг узоқ йиллар давомида ишлаши натижасида шаклланган. Шунинг учун, грунт сувларини гилли қатламдан остки дренажланаётган қатламга оқиб тушишини таъминлаш мақсадида шаҳар марказида 45–50-та сув ютувчи қудуқлар қуриб, унинг ички қисмини қум, тош-шағал билан тўлдиришни амалга ошириш тавсия этилди. АҚШнинг "Калифорния дренаж"ига ўхшаш, мазкур қурилмани "Гулистон дренажи" деб номлаш тавсия этилди " (6-расм).



6 - расм**. "Гулистон дренажи" сув ютиш қудуқлари билан.**

1 – насос станцияси; 2 –тик дренаж қудуқлари; 3 – сув ютиш қудуқлари; 4 -«Дўстлик» каналидаги сув сатхи; 5 – пасайтирилмаган сизот суви сатхи; 6– пасайтирилган босим суви сатхи.

Гулистон шаҳрида сувббосим сувлари 0,3–2,6 м чуқурликда, ССС амплитудаси 1,9–2,5 м. ни ташкил этади. Сув ўтказувчи қатламнинг пъзометрик сатҳи манфий, грунт сувлари сатҳидан 0,4–5,3 м пастда жойлашган бўлиб, унинг босими аксича манфий ҳолатда.

Мазкур ҳолатларда сув ютиш қудуқлари билан ТДҚ нинг фильтрлари туширилган яхши сув ўказувчан қатламни дренажлаш, инновацион қурилмаси ролини бажаради. Сув ютиш қудуқларини ишлаб турган ТДҚ орасиги жойлаштириш тавсия этилади. Масалан: икки дренаж орасидаги масофа 60 – 100 м бўлганда бир дона, агар 100 – 150 м бўлганда икки ва 150 м ортиқ бўлганда эса уч ва тўрт дона сув ютиш қудуқларини жойлаштириш мумкин.

Нурли дренаж қудуғи – кенг диаметрли тик шахта қудуғи, унинг шахта атрофида ётиқ горизонтал қувурлар радиал «нур» шаклида тарқалган ҳолатда жойлашган. Бундай иншоотлар хорижий давлатларда иншоотларни зах босишидан ҳимоялаш мақсадида қурилганлиги маълум. Россияда нурли дренажлар Г.А.Разумов, Р.А.Галич, В.Ю.Етупов, В.Д.Лишбергов томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистон шароитида нурли дренаж ёрдамида шаҳар майдонларида зах сувларини пасайтириш ҳозиргача қўлланилмаган.

Нурли қудуқ ТДҚларга нисбатан қуйидаги афзалликлари билан фарқланади: бир вақтнинг ўзида ҳам зах қочирувчи ва ер ости сувини тортиб олувчи манба ўрнини босади; босимли сув олиш қатламларидан фойдаланиш имконини ошириб, у 6–8 та ТДҚдан сув тортиб олиш самарасини беради; сув тақчил йилларида қўшимча сув манбаи сифатида: техник сув таъминоти ва

қишлоқ хўжалик экинларини суғориш мақсадида ишлатиш мумкин; фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлиги жиҳатдан бошқа дренажларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга.

Нурли қудуқнинг асосий элементлари сифатида катта диаметрли шахтаси 3–5 м гача, чуқурлиги 8-10 м ва бошқа конструкциялардан фарқи – шахта ичидаги марказий чуқур 35 - 50 м. бурғу қудуғини ўрнатиш тавсия этилган. Марказий тик қудуқдан босим сувлари шахта қудуғигага оқиб чикади, сув йиғиш “нур” қувурлари оддий горизонтал дренаж ролини ўйнайди. Қувурларнинг диаметри 150–300 мм, узунлиги 100 - 200 м. гача.

Бошқа дренажлардан конструктив фарқи шундаки, унинг ётиқ қувурларини икки қаватда жойлаштириш мумкин: юқоридагиси сизот сувларини, пасткиси эса босим сувларини қудуққа йиғиб беради. Бу турдаги дренажларни келажакда лойиҳалашда қўллаш ва амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди. Тажриба синов участкаларида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар асосида ва Фарғона вилояти шаҳарларини мелиоратив ҳолатни яхшилашда олинган маълумотлар натижалари, яъни ҳар хил турдаги (тик, қурама- комбинациялашган ва нурли) дренажларнинг лойихалаш учун асосий параметрларини ҳисоблаш кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

Тавсия этилган нурли дренаж ССС ни пасайтириш қурилмаси бўлиб, у техник жиҳатдан янгилиги ва мавжуд конструкциялардан қудуқ остига жойлаштириладиган чуқур марказий бурғу қудуғи билан фарқланади.

4 –жадвал

Ҳар хил турдаги дренажларнинг мелиоратив самарадорлигининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Дренаж - зовур турлари		
		Тик	Қурама	Нурли*)
1	Дренажлаш модули, л/с га	0,18	0,1–0,45	2–5,0
2	Сизот сувларини пасайиш тезлиги, см/сут	0,65	3–10	5–12
3	Ер ости сувлари босимини пасайиши, м	0,5–2,0	0,4–1,0	1–2,5
4	Таъсир этиш радиуси, м.	350–430	450–500	500–600

*) маълумотлар илмий манбалардан олинган.

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда қурама (комбинациялашган) ва нурли дренажларнинг самарадорлиги тик дренажга нисбатан анча юқори ва эксплуатацияси ҳам кам харажатлиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Мелиоратив тадбирларни илмий-амалий жихатдан такомиллаштириш бўйича тавсияларини татбиқ этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган **бешинчи** бобида мелиоратив тадбирларни асослаш ва уларнинг параметрларига боғлиқ самарадорлигини аниклашнинг қуйидаги жиҳатлари келтирилган:

1. дренажларни асослаш учун лойиҳа олди изланишлари ва лойиҳалаш харажатлари, зах босган майдонларнинг йирик масштабдаги қидирув ишлари

баҳоси иморатлар қурилган жойларда дренажларни асослашга нисбатан 5–10 марта кам. Чунки, шаҳар ёки аҳоли пунктининг мелиоратив ҳолатини баҳолаш учун разведка, мавжуд дренаж ва назорат кудукларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай маълумотлар асосида дренаж курулмаларнинг лойиҳалаш хужжати булган техник топшириги тайёрланади.

2. дренаж сувларидан фойдаланишда уларни чучук сувларни аралаштириш йўли билан иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин. Шаҳар ва аҳоли пунктларидан йил давомида чиқариб ташланаётган дренаж сувларининг 75 фоизи суғориш учун фойдаланилганда, йилига қўшимча:

727,93х0,75 = 546 млн. м^3 дренаж сувларини ишлатиш мумкин.

Агар суғориш меъёрини (нетто) ўртача 8000 м^3/га майдондаги тенг деб қабул қилсак 68,25 минг гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинларини суғориш мумкин. Ҳисобли соф фойдани 550000 сўм/га (асосий экин пахта) тенг десак, йиллик иқтисодий самара:

68250х550000 = 37537,5 млн. сўмга тенг бўлади.

3. дренаж тизимларининг эксплуатацияси ва ишлашини таъминлаш харажатлари. Шаҳар ҳудудида ССС ни санитар чуқурликда сақлаб туриш учун (майдони 1000 га) ҳисоб бўйича 25 та ТСҚ кераклиги аниқланди. Бир дона шаҳар ТДҚ нинг эксплуатацияси учун Қашқадарё вилоятида 445,44 сўм/га, Жиззах вилоятида 1161,97 сўм/га, Фарғона вилояти шаҳарларида эса харажатлар ўртача – 620 сўм/га тенг маблағ сарфланмоқда.

4. республика коммунал - дренаж хўжаликларидан 1 м^3/с чиқариб ташланаётган зах сувларига сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 564 сўмга тенг бўлиб, 1 га шаҳар майдонининг сизот сувларини пасайтиришга йилига 762,67 минг сўм/га ни ташкил этади. Дренаж сувларидан фойдаланиш, бугунги бозор иқтисоди шароитида шаҳар дренаж хўжаликлари (Коммундренаж ташкилотлари) ни ўз-ўзини маблағ билан қоплаш тизимига ўтказишнинг реал имкониятлари яратилганлиги таклиф этилган.

ХУЛОСА

“Шаҳарларнинг захланган ҳудудлари мелиорациясининг илмий – амалий асослари” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сизот сувларининг кўтарилиш сабаблари ва тубдан сув (зах) босишнинг кўп йиллик ва ўртача йиллик сатҳларининг хронологик ўзгариши бўйича қуйидаги босқичлар аниқланди:

1 фаза – ССС 15 - 20 метр чуқурликдан 5–8 метргача кўтарилган ва сув хўжалик объектларидан сувларнинг ер остига шимилишига боғлиқ бўлган (30 - 45 йил мобайнида);

2 фаза – инфильтрацион сувларни қисқа муддат (7–10 йил) да грунт сувлари билан туташиши натижасида аэрация қатламининг тўлиқ намланиши

кузатилган, сатҳ кўтарилиши тезлиги 0,7–1,5 м/йил ва ССС эса критик чуқурликка 2,5 –3 метрга етган;

3 фаза – тўлиқ зах босиши. Бу жараён ССС ер сатҳидан 0,8 – 2,5 метр чуқурликда тўхтаган. Дренаж қурилмалари ишга туширилгандан сўнг сув балансининг кирим ва сарф қисмлари тенглашган, сатҳ ўзгариши дренажнинг ишлаши ва буғланиш режимига ўтганлиги сабабли башоратлаш имконини беради.

2. Захланиш жараёнини башорат қилиш масалаларини ечиш натижасида сув ўтказмайдиган қатламнинг ер сатҳига яқин жойлашиши сабабли, катта майдонларда мунтазам равишда аэрация қатламида сув буғлари ва ҳаво алмашиш жараёнининг содир бўлиши аникланди, дренажнинг таъсир этиш узунлиги, остки қатламнинг ер ости сувининг босимига боғлиқ бўлиб, у кўп ёки кам бўлади ва агар марказий қудуқдаги сувнинг пасайиш меъёри катта бўлса (8-10м), қудуқнинг атрофидаги СССни пасайтириш меъёри (2,5-5,0м) таъсир этиш радиуси бўйича (100-120 м) таъминланган ва сув сарфи билан боғланиши хосил килинди. Бу боғланишлар бўйича олинган натижалар аниқлашнинг ишончли бахолаш имконини берди.

3. Сув таъминоти ва аҳоли пунктларида дренажлаштирилган шароитда сувларни ташқарига щахардан чиқариб юборишни таъминлаш мақсадида М 1:2500000 миқёсли районлаштириш харитаси тузилди, унда потенциал зах босишнинг мезони қуйидагича белгиланди: К>1- зах босмаган ерлар; $К_п$ =0–1 – зах босишга мойил (мутадил) ва зах босган ерлар; $К_п$ < 0 – доимий кучли захланган майдонлар. Бу кўрсаткичлар ўзгарувчан ССС ва босим сувлари сатхини мавсумий ўзгариши, иморат қурилган ерларнинг геоморфологик, гидрогеологик ва геологик шароитига боғлиқлиги умумлаштирилди. Натижада захланган шаҳар ҳудудларини мелиоратив ҳолатини аниқлашнинг ишончли баҳолаш имкониятини берди.

4. Икки мақсадда бошқариладиган ССС нинг пасайтириш ва сувдан суғоришга фойдаланиш учун қўлланиладиган мелиоратив - айланма тизимининг технологик схемаси ишлаб чиқилди. Бу тизим ёпиқ ётиқ қувурлар, мухофаза қилинадиган даланинг атрофида назорат қудуқлари ва марказий қудуқ ичига ўрнатилган қудуқдан ўрта ва паст босимли ер ости сувлар оқиб чиқади ва бутун тизимни сув билан таъминлайди. Куз-қиш мавсумида тизимдан дренаж воситаси сифатида фойдаланиладиган (патент: №3832 ва 05659) ишончли конструкциясини баҳолаш имкониятини берди.

5. Қўқон шаҳрида олиб борилган экспериментал тажрибалар натижасига кўра, ўзгача тубдан захланиш тури – чуқур ер ости босимли сувларнинг «гидрогеологик тешик»лардан юқори қатламларга оқиб чиқиши аниқланди. Қадимги сой ўзанлари остидан чиқиб сизот сувларига қўшилаётган босимли сувларни табиий "аномал" ҳодисаси деб ҳисоблаш мумкин. Шаҳар бўйича, ер ости босим сувларининг грунт сувларига оқиб чикишининг ўртача миқдори бир гектарига 10,95 $м^3$/сут га тенглиги ва Сўх дарёси худудининг сойли ўзанларидан оқиб келаётган сизот сувларининг солиштирма миқдори 5,37 $м^3$/сут га тенглиги аниқланди. Натижада захланган шаҳар ҳудудларининг

мелиоратив холатига босимли сувларнинг таъсирини аниқлашда уни ишончли баҳолаш имкониятини берди.

6. Грунт сувларини биринчи гилли грунт қатламдан остки қатламга оқиб тушишини таъминлаш мақсадида Гулистон шаҳрида чуқурлиги 20–25 метр, 45–50та сув ютувчи қудуқлар қуриб, унинг ичини қум ва тош-шағал билан тўлдиришни амалга ошириш тавсия этилди. Бу қудуқлар мавжуд тик дренаж қудуқлар орасига ўрнатилади. АҚШнинг "Калифорния дренаж"ига ўхшаш, мазкур қурилмани "Гулистон дренажи" деб номлаш тавсия этилди. Бу ҳолат эса захланган шаҳар ҳудудларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ишончли баҳолаш имкониятини берди.

7. Нурли (лучевой) дренажнинг такомиллаштирилган конструкцияси тавсия этилди. Шахта қудуғи диаметри 3–5 метргача, чуқурлиги 8-10 м ва шахта ичидаги марказий чуқур 35 - 50 м бурғу қудуғи билан жиҳозланади. Қувурлар нур шаклида бир ёки икки ярусда жойлаштирилади ва уларнинг узунлиги 100м дан 200 м гача, горизонтал қувурлар диаметри 150–300 мм. Нурли дренаж ер ости сув иншоати бўлиб, катта майдонларни захини қочиришга, босимли сувли қатламларидан 120 – 250 л/с гача сувни тортиб олишга мўлжалланган, иқтисодий жиҳатдан инновацион ва у 6–8 та ТДҚ ларидан фойдаланиш самарасини беради. Натижада захланган шаҳар худудларини мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ишончли имконияти яратилди.

8. Шаҳар ва аҳоли пунктларининг сизот сувлари сатхини санитар (3-5 м) чуқурлигини таъминлаш ва ер ости сувларидан самарали фойдаланиш учун тик дренажларнинг саёз ва кенг диаметрли вариантларини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги тажрибада исботланди. Бунинг учун, лойихалаш ва қуриш ишларини амалга ошириш уларга алтернатив бўлган: тик-саёз, комбинациялашган, шахта ва сув ютиш қудуқлардан иборат такомиллаштирилган конструкциялари ва инновацион ишланмаларнинг янги илмий тавсиялари берилди. Натижада олинган эксперементал параметрлар дренаж турининг самарали конструкциясини ишончли бахолаш имконини яратади.

9. Илмий ишланмаларнинг қўлланиши республика бўйича 546 млн. м^3 хажмда шаҳар дренаж сувларидан қурғоқчилик йилларда фойдаланиш ва 68,25 минг га экин майдонларини суғориш мумкин. Натижада сувдан самарали фойдаланишнинг ишончли имкони яратилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

НАУЧНО–ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ

САЛИЕВ БАХОДИР КАМИЛОВИЧ

НАУЧНО - ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ МЕЛИОРАЦИИ ПОДТОПЛЕННЫХ ГОРОДСКИХ ТЕРРИТОРИЙ

06.01.02 - Мелиорация и орошаемое земледелие

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B 2019.4. DSc/T67

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tiiame.uz) и на информационно-образовательном портале "Ziyonet" по адресу (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:	**Серикбаев Бакир Серикбаевич,** доктор технических наук, профессор,
Официальные оппоненты:	**Рахимов Шавкат Хударгенович** доктор технических наук, профессор
	Норкулов Усмон, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	Абдуллаев Ботиржон Дадажанович, Доктор геолога – минералогических наук, главный научный сотрудник
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «6» марта 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниёзий, 39. тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79. e-mail: admin@tiiame.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (регистрационный номер 129). Адрес 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниёзий 39, тел.: (99871) 237-22-67.

Автореферат диссертации разослан «20» февраля 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 года.)

Т.З. Султанов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д. т. н.

А. А. Янгиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т. н., профессор

М. Х. Хамидов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д. с/х. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc)) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Охрана окружающей природной среды и рациональное использование водных и земельных ресурсов являются одним из важных научно-практических задач мелиорации в мире. В связи с этим, разработка предупредительных и защитных мероприятий от подтопления городов и населенных пунктов расположенных в зоне орошаемого земледелия имеет особое значение. По зтим направлениям в развитых странах, в том числе в США, России, Германии, Нидерландах, Китае, Италии, Японии и в других странах в связи с возрастанием инфильтрационных процессов уделено особое внимание по предупреждению и обеспечению зксплуатации мелиоративных систем в условиях проявления на орошаемых землях процессов деградации почв, нарушения природного режима грунтовых вод, засоления, осланцевания, ухудшения физических свойств почв.

Особое внимание в мире уделяется целенаправленным научно-практическим задачам решений проблем мелиорации, качественного проектирования усовершенствованных систем инженерной защиты, с учетом достоверных и высокоэффективных технологий по разработке инженерных защитных мероприятий с целью снижения воздействия грунтовых вод. В этой связи, одной из важных задач является разработка новых методов и технологий защиты от подтопления с учетом использования систем инженерной защиты и мелиоративных мероприятий для улучшения мелиоративного состояния городских территорий.

В настоящее время в нашей Республике ведутся общирные мероприятия, направленные на изучение факторов формирования на орошаемых землях потоков грунтовых вод, в том числе, для снижения их уровней на основе совершенствования мелиоративных систем, по созданию и осуществлению новых дренажных устройств. В перечень исследований данной работы входит решение проблем мелиорации и дренажа, изучение процессов подтопления, оценка мелиоративного состояния городских территорий, выявление зон потоков «ирригационных» инфильтрационных вод, перехват этих потоков с площадей орошаемых земель, крупных магистральных каналов, их сбор, отвод и повторное использование. Главное внимание уделено дренажным системам, с помощью которых происходит необходимое снижение УГВ, сбор вод техногенного происхождения и использование подземной воды для развития экономики региона в засушливые периоды. Известно, что основной причиной подтопления является влияние водохозяйственных объектов на природную среду в результате хозяйственной деятельности человека. В результате свыше 132 городов и населенных пунктов, из 7322 культурно- исторических объектов 2050 или 28% нашей Республики находятся под негативным воздействием подтопления. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на период 2017 – 2021 годы предусмотрены задачи о “...дальнейшем развитии мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентноспособности национальной экономики"[1].

В решении данных задач важное значение имеет проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку новых и совершенных проектов дренажных конструкций в период дефицита водных ресурсов, мероприятий по улучшении мелиоративного состояния подтопленных городских территорий. В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан за УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП № 2954 от 4 мая 2017 года «О мерах по упорядочению контроля и учета рационального использования запасов подземных вод на 2017 – 2021 годы» и ПП № 3405 от 27 ноября 2017 года «О государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018 – 2019 годы» а также других нормативно - правовых документов, касающихся в данной области диссертационное исследование в определенной степени отвечает вышеуказанным постановлениям.

Соответствие исследовании приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII - «Совершенствование системы рационального использования и сохранения земельных и водных ресурсов, решения проблем охраны окружающей среды, природопользования, экологической безопасности, обеспечивающих устойчивое развитие республики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[2]. В настоящее время для различных по сложности геофильтрационных условий формирования нового техногенного режима и баланса, по составу строения водоносных горизонтов, научные исследования по разработке методов прогнозов затопления и подтопления ведутся в научных центрах и высших образовательных учреждениях за рубежом, в том числе: United States Geology Servey –USGS, ESRI inc. (США), German Research Centre for Geosciences (Германия), Advenced Industrial Science and Technology (Япония), Indian Institute of Remote Sensing (Индия), Academy of Geological Sciences (Китай), General Directorate of Minerals Research and Exploration Institute of Turkey (Турция), Всероссийский научно–исследовательский институт гидрогеологии и инженерной геологии (Россия), Производственный научно – исследовательский институт по инженерным изысканиям в строительстве (Россия), Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ), Научно–исследовательский институт ирригации и водных проблем (НИИИВП) (Узбекистан).

---

1 Указ Президента Республики Узбекистан УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

2 Обзор по теме диссертации выполнен на основе зарубежных https://civilengineering.lowandbonar.com/applications-end-use/soil-consolidation-and-land-reclamation; http://www.jeeng.net/The-Influence-of-Drainage-Devices-and-Post-Bog-Soil-Chan ges-on-Water-Retention-in,110788,0,2.html; https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.108 0/00 221689609498446; https://www.sciencedirect.com/topics/engineering/stormwater-management; https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC3262001/ и других источников.

В результате проведенных исследованиях в мире по разработке комплексных мероприятий мелиоративного улучшения земель были получены ряд научных результатов, в том числе разработана методы гидротехнической и химической мелиорации, нормирования в составе в порах грунта наличия влаги и воздуха, в том числе теоретически скелетного состава физической мелиорации (Американское общество инженеров и строителей, США). Необходимо отметить, что мелиоративные методы использованы по всей истории человечества. Например, большие территории земель Бангладеша и Голландии занимают болота, разработаны методы осушения земель (Международный институт инженеров гидравлики и окружающей среды, Нидерланды). В тоже время по созданию дренажных устройств для градостроительства использованы новейшие полимерные материалы (Технический университет, Берлин, Германия), степень влияния объектов водохозяйственного строительства на окружающую среду на основе критерий отрицательного воздействия на мелиоративное–гидрогеологические условия территории городов (Научно–исследовательский институт ирригации и водных проблем, Узбекистан). На основе этих исследований достигнуты определенные результаты по оценке мелиоративного состояния городских территорий.

В настоящее время в мире по изучению природных, мелиоративно – гидрогеологических условий территории городов, по ряду приоритетных направлений, проводятся научные исследования, в том числе разработка методов расчета воздействий водохозяйственных мероприятий на процесс подтопления, изучение природного режима подземных вод, на основе оценки факторов водного и солевого баланса, изменяющего общее мелиоративное состояние, построения карты подтопления городов, с учетом их инфраструктуры, разработка математических методов расчета прогноза подтоплений, оценка эффективности работы дренажей, мероприятий по предупреждению подтопления и по созданию современных и совершенных защитных сооружений.

Степень изученности проблемы. В настоящее время авторами (И.П.Айдаров, В.А. Барон, Ф.Э. Рубиновой, К.М. Арипов, Н.Н.Хаджибаев, А.В.Лебедев, С.Ш.Мирзаев, Ф.М.Рахимбаев, Н.И.Парфенова, Н.М.Умаров, Б.Д.Абдуллаев, Э.В.Мавлянов, А.С. Хасанов, Л.З.Шерфединов, Я.У.Исамухаммедов и др.) изучены изменения естественного режима подземных вод, как фактор изменения общего мелиоративного состояния и были достигнуты определенные результаты. Первоначальные мелиоративные исследования водного баланса обобщены в трудах Н.А. Кенесарина, М.М. Крылова, А.А.Азизова, Р.Алимова, Х.А.Ахмедова, М.А.Шмидта, В.В. Пославского, Д.М.Кац, А.А. Рачинского, Б.С. Серикбаева, Н.М. Решеткиной, А.Р. Рамазонова, А.Т. Салохитдинова, М.Х. Хамидова, Р.К. Икрамова, Е.К. Курбанбаева, Э.Ж. Махмудова, Х.И.Якубова, М.О.Якубова и др. научных работах, обращено большое внимание на причины подъема уровней грунтовых вод, в то же время их влияние на процессы формирования подтопления и вторичного засоления земель. В связи с этим, региональные исследования по

